## Ўзбекистон Республикаси Президенти
## Ислом КАРИМОВ асарлари кўргазмаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларини тарғиб қилиш ва ўрганиш мақсадида интитутнинг “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси ҳузурида кўргазма ташкил этилди(Ректорат биноси, 301-хона).

Кўргазмада Ислом Каримовнинг жаҳон ва мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланиши масалаларига бағишланган махсус китоблари, тўпламлари, танланган асарлари, маърузалари ҳамда етакчи олимлар томонидан Юртбошимиз асарлари ҳақида ёзилган рисолалар ўрин олган.

### I. МАХСУС ЁЗИЛГАН АСАРЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент. 1992 й.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент. 1993 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуғурлаштириш йўлида. Тошкент. 1995 й.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. 1997 й.
5. Каримов И.А. Маънавий тикланиш йўлида: тарих, маърифат, маънавият. Тошкент. 1998 й.
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент. 2008 й.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Тошкент. 2009 й.

### II. АСАРЛАР ТЎПЛАМЛАРИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент. 1993 й.

2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент. 1994 й.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент. 1998 й.

4. Каримов. И.А. Баркамол авлод орзуси. Тошкент. 1998 й.

5. Каримов И.А. Миллий давлатчилик истиқлол, мафкураси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. Тошкент. 1999 й.

6. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвеститиция ва молиявий барғарорлик тўғрисида. Тошкент. 2005 й.

7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент. 2012 й.

## III. ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Тошкент. 2012 й.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура, Тошкент. 1996 й. 1-жилд.

3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Тошкент. 1996 й. 2-жилд.

4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Тошкент. 1996 й. 3-жилд.

5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Тошкент. 1996 й. 4-жилд.

6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Тошкент. 1997 й. 5-жилд.

7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 1998 й. 6-жилд.

8. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Тошкент. 1999 й. 7-жилд.

9. Каримов И.А Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Тошкент. 2000 й. 8-жилд.

10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Тошкент. 2001 й. 9-жилд.

11. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Тошкент. 2002 й. 10-жилд.

12. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Тошкент. 2003 й. 11-жилд.

13. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиғ. Тошкент. 2004 й. 12-жилд.

14. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Тошкент. 2004 й. 13-жилд.

15. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари — олий қадрият. Тошкент. 2006 й. 14-жилд.

16. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислоҳотларни чуғурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Тошкент. 2007 й. 15-жилд.

17. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Тошкент. 2008 й. 16-жилд.

18. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиз. Тошкент. 2009 й. 17-жилд.

19. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. Тошкент. 2010 й. 18-жилд.

20. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуғурлаштириш ва фуқоролик жамиятини шакллантириш мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Тошкент. 2011 й. 19-жилд.

21. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз демократик ислоҳотларни чуғурлаштириш ва модернизация жараёнини изчил давом эттириш йўлидир. Тошкент. 2012 й. 20-жилд.

Кўргазмада юқоридагилардан ташқари Президентимиз Ислом Каримовнинг ҳаёти ва иш фаолиятига бағишланган махсус китоблар, альбомлар ва "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан чоп этилган ўқув ва илмий адабиётлар ҳам жой олган. Уларни ўрганиш институт профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, магистрантлари ва талабалари учун муҳим аҳамиятга эга.

Давр талабига жавоб берадиган миллий кадрларни тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш учун асосий манба – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарлари ҳисобланади.

Чунки Ислом Каримовнинг асарларида:

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг мустақилликка эришиш остонасидаги ҳолати ҳар томонлама кўрсатиб берилган.
- Республика иқтисодиётидаги таназзул ҳолатни тубдан ўзгартиришнинг объектив зарурлиги ва миллий иқтисодиётни ривожлантириш суръатларини кўтариш йўллари аниқланган.
- Республика иқтисодиётини бозор муносабатларига ўтказиш борасидаги "Ўзбек модели", унинг негизини ташкил қилувчи тамойиллар асосланган ва тегишли устувор йўналишлари ишлаб чиғилган.
- Республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий стратегик йўналишлари аниғланиб, социал-иқтисодий тараққиётининг алоҳида босқичларидаги вазифалари аниғланган.
- Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар тажрибасидан келиб чиқиб, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўллари ишлаб чиғилган.
- Республикада янги давлатчилик тизимини шакллантириш ва фуқоролар жамиятини қуриш йўллари аниқланган.

- Республика социал-иқтисодий ривожланиш натижаларидан келиб чиғиб, мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини узлуксиз кўтариб бориш йўналишлари кўрсатилган.

Ислом Каримов асарларида республикада ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг яхлит назарий ва амалий асослари, яъни ривожланишнинг “Ўзбек модели” ишлаб чиқилган.

Президент Ислом Каримовнинг асарларида юқоридагилардан ташқари бошға иқтисодий, тарихий, илмий-маънавий муаммолар кўтарилган ва уларнинг ечимлари кўрсатиб берилган. Жумладан,

- халқаро иқтисодий муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини ошириш йўллари белгиланган.

- мамлакатимиз халқларининг ҳаққоний, тарихий анъаналари, урф-одатлари очиб берилган.

- юртимиз халқларининг маънавий бойлигини тиклаш йўллари кўрсатилган;

- республикада демократик жамиятни шакллантириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш концепцияси асосланган.

- Ўзбекитон Республикасининг сиёсий тизимини, ижтимоий-маънавий, социал соҳаларини модернизация қилиш ва жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторига кириб боришини таъминлаш зарурлиги асосланган.

Бирлашган миллатлар ташкилоти ва бошқа халқаро сиёсий, банк-молия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш йўллари ва уларнинг ролини ошириш ҳамда Орол денгизи, Афғонистон билан боғлиғ муаммолар, минтақалар хавфсизлигини таъминлаш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига ғарши курашиш ва унинг салбий оғибатларини бартараф қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Юқорида қайд этилганлар кўрсатадики, Президент Ислом Каримовнинг асарлари республика таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш, кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва илмий тадқиқот ишларни бажаришда биринчи ва

ягона, илмий манба бўлиб хизмат қилади ва буни мазкур асарларнинг халқаро миқёсда тан олинганлиги ҳам исботлайди.

Кейинги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ҳам республикада таълим, соғлиғни сақлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик борасида эришилган натижалар халқаро миқёсда тан олинди ва бу тажрибадан бошқа хорижий давлатларда фойдаланиш мумкинлиги нуфузли ташкилотлар ва ривожланган мамлакатларнинг матахассислари томонидан эътироф этилди.

Тошкент молия институти Ислом Каримов асарларини алоҳида курс сифатида ўқитиш бўйича амалий тажрибага эга.

2009 йилдан бошлаб институт Кенгашининг қарорига биноан институтнинг магистратурасида Ислом Каримов асарларига асосланган “Иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” амалда” номли алоҳида курс ўғитилмоқда.

“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, иқтисод фанлари доктори Эргаш Акромов бу фанни ўқитишни енгиллаштириш мақсадида 2011 йилда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Макроиқтисодиёт ва Социал муаммолар илмий-текшириш марказларининг тавсиялари ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Мувофиқлаштириш кенгашининг қарорларига биноан “Иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели” амалда” номли ўқув қўлланмани 300 нусхада чоп эттирди.

Фикримизча, бу ўғув қўлланма яна қайта рус тилида чоп этилса ҳамда “Иқтисодий тараққиётининг “Ўзбек модели амалда” фани барча олий ўқув юртларида махсус курс сифатида талаба-ёшларга ўқитилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мутахассислар, профессор-ўғитувчилар, илмий ходимлар, магистрантлар ва талабаларни институтда ташкил этилган “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарлари кўргазма”сидаги илмий манбалардан фойдаланишга таклиф этади.

**Тошболта ЖЎРАЕВ,**

**“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси мудири,**

**профессор.**